БОБУРНИНГ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

К.З.ЗОКИРОВ, А.УММАТОВ

Авторы статьи, анализируя описание животного мира в “Бабур-наме”, выявляют значение данного произведения для ряда отраслей современного естествознания.

Analyzing the description of fauna in the “Baburnama” the authors try to display the importance of the work for a number of branches of natural sciences.

Маълумки, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон жаҳон маданиятига ўзларининг улкан мерослари қўшган қомусий олимлар, шоирларнинг ватанидир. Буюк қомусий олимларимиз, шоир-ёзувчиларимизнинг асарлари мана неча юз йиллардан буён ўрганилиб, турли тилларга таржима қилиниб келинмоқда. Башарият тарихида илм, маданият ва санъат хазинасини бойитишда улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг салмоқли ўрни, ҳиссаси бор. Зеро, “Бобур –буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби”дир [1].

Бобур ўзига жаҳоншумул шуҳрат келтирган “Бобурнома” асарида ўзи яшаган замондаги Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби ҳудудлардаги мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти ҳақидаги ишончли маълумотлар билан бир қаторда уларнинг табиати ҳақида ҳам қимматли маълумотларни қайд этади [2,3]. Жумладан, у энг аввал ўзи туғилиб ўсган Андижон шаҳри ва шаҳар атрофининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид тафсилотларни баён қилади: “Андижон .... Фарғона вилоятининг пойтахтидир. Ғалласи мўл, меваси кўп, қовун ва узуми яхши бўлади. Ов қушлари ҳам кўп бўлади. Қирғовули беҳад семиз бўлади. Шундай ривоят қиладиларки, бир қирғовул гўштини тўрт киши еб тугата олмаган. Ҳавосининг рутубати бор. Куз пайтлар халқ кўп безгакка чалинади”. Шунга ўхшаш, Бобур Фарғона водийсидаги Марғилон, Хўжанд, Ахси, Косон, Конибодом каби шаҳарлар, уларнинг географик ўрни, табиати кабиларга берган тавсифларида ҳам бу жойларда оқ кийик, буғу, марал, товушқон каби ҳайвонлар, ов қушлари сероб эканлигини таъкидлаган.

БОБУРХОНЛИК

Бобур саёҳат қилишни севган. Бу ҳақда унинг ўзи: “Даҳқатнинг тоғларини ҳамиша яёқ юриб сайр қилар эдим. Яланг оёқ кўп юрганимдан оёқларим тоғ ва тошни тафовут қилмас эди”,- деб гувоҳлик беради. Бундай сайрларни севган Бобурга хос кузатувчанлик Андижондан Ҳиндистонга қадар бўлган улкан ҳудуд табиати ҳақида энг муҳим тафсилотларни илғаб олишга имкон беради. Бироқ, бизнингча, асарнинг қиммати шу билангина белгиланмайди. Бобур қолдирган маълумотлар шунчаки кўзи тушганларни қайд этишдан иборат эмас, энг муҳими, у табиатга мутахассис сифатида – географ, ўлкашунос, ботаник, зоолог сифатида ёндашади.

Хусусан, Бобурнинг Ҳиндистон ҳайвонот дунёсига оид қарашларига разм солинса, унинг масалага эколог, систематик, физиолог, этолог каби мутахассислар назари билан ёндашганига гувоҳ бўламиз. Қуйида биз Бобурнинг Ҳиндистон ҳайвонот дунёсига оид баъзи қарашларига тўхталамиз. У жуда синчков эколог сифатида дастлаб Ҳиндистонда тарқалган ҳайвонларни яшаш муҳитларига кўра системага соладики, буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:.

1-жадвал

Ҳиндистон ҳайвонларининг экологик гуруҳлари

Қуруқлик ҳайвонлари	Сув ҳайвонлари	Сувда ва сув ёқаларида яшовчи ҳайвонлар	Паррандалар
Фил	Шери обий (тимсоҳ)	Данг (ҳинди лайлак)	Товус
Каркидон	Сейсор (қора тимсоҳ)	Сорас (тева турна)	Тўтилар
Ёввойи ҳўкиз	Хуки обий (сув тўнғизи)	Маниқ (оқ бўйин лайлак)	Шорак (майна турлари)
Нилагов (кўк ҳўкиз)	Гарийал (тимсоҳ турларидан)	Лаклак (лайлак)	Лўча (буқаламун, хўрозча)
Кўтаҳпой (калтаоёқ)	Сув чўчқаси	Улуғ бўзан (ибис)	Дуррож (каклик тури)
Калахиран (қора кийик)	Какка (балиқ)	Оқ бўзан (ибис)	Пул пайкар (тоғ каклиги)
Буғу		Ўрдак турлари	Саҳройи товуқ
Ўй (майда ҳўкиз, гну)		Зумаж	Чалсий (чил каклик)
Нувли (хурмо каламуши)		Сор (қизил калхат)	Шом (банкив хўроз)
Гилахри сичқон		Олақарға	Бўдана (бедана)
Маймунлар		Мурғи жангал (ўрмон товуғи)	Харчал (тувалоқ)
Йўлбарс		Улуғ шаппара (япалоққуш)	Чарз (бизғалдоқ)
Илон		Акка (ҳакка, зағизғон)	Бағриқора (қорабовур)
Товушқон		Курча (қора жарқалдирғоч)	
Қўтос		Қуйил (какку)	Парвори (парвоз товуқ)
		Уқор	Ғоз
		Матайла (Ҳиндистон ҳаккаси)	Қилқуйруқ – Қарши товуғи
		Куйал (Ҳиндистон булбули)	Зоғча
		Шаққа (қизилиштонга ўхшаш)	Майда қушлар
		Ҳинистон бақалари	Бургут, сор, қарға

Жадвалдан кўриниб турганидек, муаллиф ҳайвонларни, аввало, яшаш муҳитига қараб қуруқлик, сув, сув ёқалари ҳамда паррандалар каби гуруҳларга ажратган. Ҳозирги замон экологиясида ҳам ҳайвонларнинг ҳаётий шакллари уларнинг яшаш шароитларига қараб белгиланади.

“Бобурнома”да ҳайвонлар миграциясига оид материаллар ҳам ўз аксини топган. “Ёзда Қобулда қуш тутиладиган жойлар жуда кўп. Аксар қушларнинг ўтиш жойи Борон дарёси соҳили ҳисобланади. Сабаби, шарқ томони тоғлардир. Ғарб тарафи ҳам тоғлардир. Борон дарёси соҳилида бир Ҳиндукуш довони бор холос. Бошқа довон йўқ. Шу боис қушлар батамом шу ердан ўтадилар. Агар шамол бўлса ё Хиндукуш довони устида бир оз булут пайдо бўлса, қушлар ўтолмайди. Борон соҳилига қишнинг охирларида ўрдак кўп келади”. Шунингдек, Бобур Ҳиндиқуш орқали ўтган қушларнинг қоронғида оқар сувлар бўйлаб учишини қайд этган. Қушларнинг кўчиши тўғрисидаги бундай қараш ҳозирги замон илмида эътироф қилиниб, қушлар оқар сувлар ва Ернинг магнит майдонига асосланиб ўзларига йўл топишлари исботланган.

Бобур ўзи кўрган, кузатишлар олиб борган ҳайвонларнинг тузилишлари, ўхшашлик ва фарқларини, феъл-атворларини етук морфолог, этолог олим каби атрофлича таърифлайди: “Ҳиндустонда яшайдиган қушлардан бири дуррождир. Дуррожнинг катталиги какликникича келади. Нарининг орқаси қирғовулнинг урғочисиникидек, бўғзи ва кўкси қора, оқ-оқ туклари бор, икки кўзининг икки ёнида қизил чизиқлар тортилган. Яхши овози бор. ”Шир дорам шакарак” (Сутим бор шакаргина) деб қичқирганида “шир”ни қисқа, “Дорам шакарак”ни аниқ талаффуз

қилади”. Шунга ўхшаш, Ҳиндистонда тарқалган 8 турга мансуб тўтилар, уларнинг тарқалиши, ташқи кўринишидаги фарқлари, ҳаёт кечиришлари, инсон тилига ўрганишлари каби хусусиятларини таърифлаганида, Бобур худди орнитолог мутахассисдек фикр юритади. “Бобурномада”ги Ҳиндистон филлари ҳақида берилган маълумот у қадар тўлиқ эмас, чунки муаллиф фикрлари, асосан, ўргатилган филлар билан чекланади: “Ёввойи ҳайвонлардан бири филдир. Ҳиндистонликлар уни “ҳаатий” деб атайдилар, у Калпий вилоятининг чегараларида бўлади. Ундан юқори-шарқ томонга қараб борган сари ёввойи филлар кўпроқ учрайди.... Фил улкан ва зийрак жонивор. Нима десалар тушунади ва нимани буюришса бажаради. Баҳоси катталигига қараб белгиланади, уни бўйига қараб сотадилар. Фил фақат хартуми билан еб-ичади”. Кўриб турганимиздек, ушбу маълумотлар хонакилаштирилган филга хосдир. Яъни таърифдан Бобурнинг ёввойи филларни кўргани англашилади, лекин уларни бевосита кузатган эмас, бунга имкони бўлмаган, шунинг учун ҳам хонакилаштирилган филларни таърифлаш билан чекланган.

Бобур Кобулнинг шимолий-шарқидаги тоғларда “рўбаи паррон бўлур. Рўбаи паррон бир жонивордурки, мушукдан улуғроқ, икки қўли билан икки бутининг орасида пардадур, шаппаранинг қанотидек, доим келтурарлар эди. Дерларким, йиғочдан йиғочга нишебга боқа бир газ отими учар. Мен (ўзим) учқонини кўрмадим” деб ёзади. Ҳиндистон балиқларининг “гўшти лазиз бўлур ва қилтиғи бўлмас”лигини айтиб, муаллиф уларнинг битта ўзига хос жиҳатини қайд этади: “Баъзи сувларда ушоқ балиқлар бор, улар қаттиқ товуш эшитсалар, сачраб-сачраб (ярим-бир метр) баланд чиқадирлар”. Мазкур ушоқ балиқлар Бобур эътиборини айни шу жиҳати билан жалб этган. Худди шунга ўхшаш, Ҳиндистон бақаларининг биздаги бақалардан фарқли жиҳатига диққатни тортади: “Ҳиндистон бақалари биздаги бақалар каби бўлса-да, сув бетида беш-олти метргача югуради”.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Бобур ўзи учун янги бўлган ҳайвонларнинг тузилиши, феълатворларини кўриб ҳайратланади. Яъни унинг жонзотлар тўғрисида бундай мукаммал маълумотларни ёзиши, албатта, муаллифнинг улардан беқиёс ҳайратланиши натижаси деб тушуниш керак. Бир ўринда унинг: “Нингнаҳорга етгач, ўзга бир оламга назарим тушти: гиёҳлар ўзгача, дарахтлар ўзгача ва ёввойи ҳайвонлар ўзгача, қушлар ўзгача, эл ва улуснинг расму одатлари ўзгача. Ҳайратда қолдим. Зотан, ҳайратга арзийдиган жойлар эди”,- дея эътироф этиши ҳам шундандир.

Ҳиндистонда Бобур учун янгилик бўлиб кўринган қушлардан бири – шорак бўлиб, у ҳақда “Шорак – сўз ўргатурлар, буни “мийно” дерлар” деб ёзади. Табиатдаги эврилишларни кўрингки, Бобур учун янги бўлган бу қушни ҳозир юртимизда билмайдиган одам топилмайди. Зеро, бу ўринда гап элда “олақанот” деб юритилувчи “ҳиндистон майнаси” ҳақида бормоқда. Бу қушнинг тарқалиш ареалига эътибор қаратсак, у ўтган асрнинг 10-йилларида Афғонистондан учиб ўтиб Термиз атрофларида пайдо бўлган бўлса, ҳозир бутун Марказий Осиёни эгаллаб, Россия вилоятларигача етиб борди. Сонининг кескин ортгани сабаб улар боғдорчиликка етказадиган зарар йил сайин сезиларли бўлиб бормоқда, шунинг учун ҳам ҳиндистон майнаси “отувга ҳукм этилган” қуш ҳисобланиб, уларнинг сонини камайтириш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб қолди.

Афсусланарли томони шуки, Бобур қайд этган жониворлар ичида кўпайиб кетгани бизни ташвишга солаётгани биргина ҳиндистон майнасидир. Бошқа кўплаб жониворлар ҳақида бунинг айнан аксини айтишга тўғри келади. “Бобурнома”ни ўқиганда юртимизнинг, хусусан, Фарғона водийсининг бундан беш юз йил илгариги табиати, ҳайвонот олами ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Масалан, Андижон таърифида “ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур”; Марғилон таърифида “ов қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта бўлур”; Хўжанд таърифида “оқ кийик, буғу-марал, қирғовул, товушқони... кўп бўлур”; Ахси таърифида “Сайхун дарёсининг Ахси томони даштдур, оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур, қирғовул, товушқони кўп топилур” деган маълумотлар берилган. Аён бўляптики, Бобур даври Фарғона водийсининг табиати, ундаги ҳайвонот олами ҳозиргидан тубдан фарқ қилади. Аввало, у даврда водийда турли ҳайвон ва қушларнинг ҳаёт кечириши учун зарур ва инсон қадами (қўли) етмаганидан ўзлаштирилмаган чўл, дашт зоналари, тўқайзор жойлар кўп бўлган. Яшаш ҳудудининг мавжудлиги кўплаб турдаги жониворлар популяциясига имкон берган. Ҳозирда эса аҳоли сонининг кескин ортиши, жуда катта майдонларнинг ўзлаштирилиши натижасида ҳайвонларнинг табиий яшаш муҳити йўқотилди. Бунинг оқибатида Бобур санаган жониворлар, қушларнинг кўпини ҳозирда табиий ҳолда учратиш амри маҳолдир. Жумладан, ҳозирда қирғовуллар сони кескин камайиб кетган, уларни кўрикхона ва заказникларда кўпайтиришга тўғри келмоқда. Бобур “оқ кийик” деб атаган жонивор аслида жайрон (ёки ғизол)нинг эркаги, чиройли бўлгани учун уни “оқ кийик” деб аталган. Ҳозирда бу жонивор ҳам Қизил китоблар саҳифасидан жой олган, Бухорода жайрон питомниги ташкил қилиниб кўпайтирилмоқда. Товушқоннинг толеи қирғовул ва оқ қийикка нисбатан баландроқ

экан: бу жониворни ҳозирда ҳам Марказий Фарғонанинг чўл ва тўқай зоналарида сийрак бўлса ҳам учратиш мумкин. Бироқ, ҳадемай, у ҳам Қизил китоблардан жой олиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эътиборли томони шуки, Бобур фақат ўзи кўрган ёки ишончли кишилардан эшитган нарсаларни қайд этади. Масалан, у мулозимларидан бирининг тўтилардан баъзилари одамларга ўхшаб шароитга мос гапиришларини эшитган. Бироқ у бунга “киши ўз қулоғи билан эшитмагунча ишониб бўлмас” дея муносабат билдиради. Ёки бошқа бир тўти ҳақида ёза туриб, “ранги жуда чиройли – қип-қизил, қолганини аниқ эслаб қолмаганим учун шарҳлаб ўтирмайман” дейди. Бундан “Бобурнома”да маълумотлар ниҳоятда ҳалоллик, холислик билан қайд этилган деган хулоса келиб чиқади. Зеро, муаллиф асарда ўзи бориб кўрган, кузатган, билган фактлар ва улар асосида ўткир зеҳни билан чиқарган хулосаларинигина зўр маҳорат билан ёзиб қолдирган. “Бобурнома” кўплаб халқлар тилларига таржима қилиниб, катта қизиқиш билан ўрганиб келинаётганининг сабабларидан бири ҳам айни шудир.

Хулоса қилиб айтганда, “Бобурнома” ўзбек тилидаги тарихий-географик ва табиий-илмий асарларнинг дастлабкиси ва энг йиригидир. Яъни у бошқа бир қанча фанлар қатори география, ботаника ва зоология фанлари бўйича ҳам авлодларга қолдирилган буюк ёдгорликдир.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Ўқитувчи, 2008
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002
3. Х. Ҳасанов. Бобир сайёҳ ва табиатшунос.- Т.: Ўзбекистон, 1983

Андижон давлат университети,
2012 йил 6 январда қабул қилинган